
Ўзбекистон туманида оилавий корхоналар сони 300 тадан ошди
2023 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Ўзбекистон туманида рўйхатдан ўтган
корхона ва ташкилотлар сони 2 минг 808 тани ташкил этди. Эътиборлиси, мазкур
субъектларнинг 1 минг 916 таси аввалдан фаолият юритиб келган бўлса, 149
таси жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат рўйхатидан ўтган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг 1054 таси ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича
масъулияти чекланган жамиятлар, 244 таси хусусий, 304 таси эса оилавий
корхоналардир.

Шунингдек, туманда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 21 тани
ташкил этмоқда.

2023-06-14 16:32:52